БОБУР ҲАЁТИДАГИ ТАСАДДУҚ ВОҚЕАСИ ТАЛҚИНЛАРИГА ДОИР

Р.Р. Шамситдинов

Мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар даври тарихини ўрганишда холислик, тарихийлик тамойилларига амал қилиш зарурати асосланиб, Бобур ҳаётининг сўнгги даврлари билан боғлиқ тасаддуқ воқеаси талқинлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *“Бобур энциклопедияси”, “Бобурнома”, “Тарихи Рашидий”, “Ҳумоюннома”, “Акбарнома”, Агра, Сабхал, мўъжиза, тасаддуқ воқеаси.*

Статья посвящена обоснованию необходимости соблюдения принципов объективности и историзма в изучении истории эпохи Захириддина Мухаммада Бабура и бабуридов, осуществлен сопоставительный анализ интерпретации события «тасаддук», имевшего место в биографии Бабура.

Ключевые слова: *“Бобур энциклопедияси”, “Бобурнаме”, “Тарихи Рашидий”, “Хумаюннаме”, “Акбарнаме”, Агра, Сабхал, чудо, событие “тасаддуқ”.*

The article is dedicated to the observance of the principles of objectivity, historicity in the study of the history of Zahiriddin Muhammad Bobur and the Bobur era, as well as the history of the “tasadduq voqeasi” (the story of self-sacrifice) associated with the last period of Babur’s life.

Key words: *“Encyclopedia of Bobur”,”Boburnama”, “Tarihi Rashidiy”, “Humoyunnoma”, “Akbarnama”, Agra, Cambhal, miracle, fate, “tasadduq voqeasi” (the story of self-sacrifice).*

Мустақиллик йилларида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, асарларини оммалаштириш, юртимиз ва хориждаги мавзуга оид манбаларни тўплаш ва тадқиқ этиш, таржималарини амалга ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилдики, бугунга келиб фанда бобуршунослик алоҳида бир соҳа ўлароқ шаклланди. Аввало, шу йиллар давомида мазкур ишларни амалга оширишнинг ташаббускори ва ташкилловчиси сифатида фаолият юритиб келаётган Бобур халқаро жамоат фондининг улкан хизматлари таҳсинга лойиқ. Хусусан, 2014 йилда “Шарқ” нашриётида босилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур Энциклопедияси” (“БЭ” – Р.Ш.) – бобуршунослик тарихида катта воқеа бўлгани ва улкан аҳамиятга эгалигини мамнуният билан алоҳида таъкидлаш жоиз. Энциклопедия нафақат улуғ ватандошимиз ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотларни жамлаган қомусий нашр, балки ўзбек илм-фанида бу йўналишдаги илк қадам экани билан ҳам муҳимдирки, ҳали кўплаб улуғ юртдошларимиз ҳақида шу хил қомуслар яратиш зиммамизда вазифа бўлиб турибди.

Албатта, илк қадам ўлароқ майдонга келган йирик ҳажмли асар камчиликлардан буткул холи бўлиши қийин. Тузувчиларнинг ўзлари ҳам буни табиий деб билганлари учун “Таҳририят “БЭ”ни келгусида такомилроқ тарзда нашр этишни ният қилар экан, уни таёрлашда ... – барча бобуршунослар ўз ёрдамларини аямайди, дея умид билдиради” [5.8] деб ёзадилар. Бошқа томондан, таниқли шарқшунос Н.Ғ.Низомиддиновнинг: “... бугунги кунда ўтмиш тарих ҳақиқатлари “кемтик ерлари”-ни мустақиллик ва миллий менталитет руҳида асл манбалар асосида қайта тиклаш, ҳамон фанимиз учун долзарб мавзу бўлиб қолмоқда. Худди шу нуқтаи назардан Бобурнинг илк давлатчилик фаолиятидан то унинг етуклик давригача кўрган-кечирган сир-асрорларини фанда тўла-тўкис ўрганилган, дейиш қийин” [7.72-73],– деган сўзлари ҳам жиддий асосга эга. Шуларни назарда тутган ва тугал ҳукм чиқаришга даъво қилмаган ҳолда, Бобур ҳаётининг ниҳоясига оид “тасаддуқ воқеаси” ҳақида “Бобурнома”, “Ҳумоюннома”, “Тарихи Рашидий”, “Акбарнома” каби бирламчи манбаларни ўрганиш асносида туғилган мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашишни жоиз билдик.

Энциклопедиянинг “Бобурнома” хронологияси” жадвалида ***“936-937 1529-30 Ҳумоюннинг Аграга олиб келиниши”*** [5.669] деб келтирилган. Аслида эса *Ҳумоюн ўз хоҳишига кўра, Бобур подшоҳ ижозатисиз Бадахшон вилоятини ташлаб, тўсатдан Аграга қайтади* (қачон қайтгани аниқ эмас, 1529 йил август ойининг охири деб тахмин қилинади [4.330]). Бу ҳақда “Бобурнома”да: *“Ва Муҳаммад Ҳумоюн, бир йили эдиким, Бадахшонда дийдорлардин айру тушуб эди, сўнгра бизни соғиниб, ... бизнинг тарафға юра берур”,- дейилган* [1.266]**.** Шу орада Бадахшонни Қошғарийлар олганлиги хабари келади, шунда Бобурнинг ёзишича: *“Ва Муҳаммад Ҳумоюнға айтукким, сени борғонинг нечук бўлғай? Ул жавоб бердиким, фармонға чора йўқтур, лекин аҳд қилғонменким,*

ўз ихтиёрим билан дийдордин айрилмағаймен. Анинг учун Мирзо Сулаймонни Бадахшонга рухсат берилди"[1.266]. Яъни бу вазиятда ўзининг Бадахшонда бўлиши зарур эканини билса ҳам, Ҳумоюн фақат фармон бўлса бориши, ўз истагича бормаслигини айтмоқдаки, бунинг сабабига қуйироқда яна қайтамиз. "Акбарнома"да Бобур тафсилоти, яъни Ҳумоюннинг тўсатдан келиши баён қилинган бўлса, Мирзо Ҳайдар берган маълумот ўзгачароқ: *"Ўлишига кўзи етгач (Бобур – Р.Ш.), ёнига Ҳумоюн мирзони чорлади, уни Бадахшондан чақириб олиб, ўзи билан Ҳиндистонга олиб кетган эди, унга бутун амирлару халойиқ устидан ҳукмдорликни бериб, Яратганга омонатини топширди"* [3.586]. Мирзо Ҳайдар бу ўринда турли йилларда бўлган воқеаларни бир жойда ва бирин-кетин келтиргани кўриниб турибди. Чунки, а) Бобур "ўлишига кўзи етгач, ёнига Ҳумоюн мирзони чорлади" деганда 1530 йил декабрь ойида Ҳумоюн мирзонинг Самбхалдан чақиртирилгани назарда тутилаяпти; б) "уни Бадахшондан чақириб олиб, ўзи билан Ҳиндистонга олиб кетган эди" дегани беш йил аввал – охирги Ҳиндистон юриши олдидан қилинган чақирув эди; в) охирги жумлалар яна 1530 йил декабрь ойи охирига, яъни Бобур ҳаётининг охирги кунларига тааллуқли деб ҳисоблаймиз. Шундан ҳам "тасаддуқ воқеаси" анча аввал содир бўлганини кўрса бўлади.

Гулбаданбегимнинг гувоҳлик беришича, давлат ишларидан чарчаган ва соғлиги ёмонлашгани Бобурнинг *"Салтанат ва подшоҳликдан кўнглим олинди. Шу Зарафшон боғида хилватга чекинсам. Хизматкорликка битта Тоҳир офтобачининг ўзи менга етиб ортади. Подшоҳликни Ҳумоюнга топширсам"* [2. 22] дегани Хонзодабегим Қобулдан Аграга келганидан сўнг, Зарафшон боғига сайр қилгани чиққанларида айтилган, бу эса 1528 йилнинг кеч кузига тўғри келади. Ўзи шу аҳволда эканида хасталанган Ҳумоюннинг Самбхалдан келтирилиши, албатта, саломатлиги заифлашиб қолган Бобурнинг руҳини тушириб, аҳволини янада оғирлаштиради.

Асосий мавзу – тасаддуқ воқеасига келсак, адабиётлардаги унга оид тафсилотларда ҳануз чалкашликлар мавжуд, холислик ва аниқлик тамойили бузиб келинмоқда. Қолаверса, кенг оммада Бобур бетоб Ҳумоюн атрофида айланиб Аллоҳга илтижо қилган, дуоси ижобат бўлиб, ўғлининг дардини ўзига олган – вафотининг сабаби шу, деган фикр ўрнашиб қолган. Афсуски, "Бобур энциклопедияси"да ҳам худди шундай талқин қилинганки, бу билан янглиш фикр энди гўё тамом қонунийлашиб қоладигандек туюлади. Аслида, бизни мақолани ёзишга ундаган нарса ҳам шу бўлди.

Энциклопедияда тасаддуқ воқеаси ёритилган мақола А.Аъзамов ва Б.Йўлдашевлар томонидан ёзилган. Унда айтилишича, "Тасаддуқ воқеаси – Бобур ҳаётининг сўнгги кунларида юз берган воқеа" [5.486]. Бизнингча, бу тўғри эмас, чунки Бобур бу воқеадан сўнг ҳам тахминан олти ойлар яшаган. Агарки Ҳумоюн мирзо 1529 йил август ойи охирида Аграга келган, озроқ муддат у ерда тургач, Самбхалга ҳоким этиб тайинланган; олти ойдан сўнг касалланган шаҳзода Аграга келтирилган ва шу кунлари тасаддуқ воқеаси содир бўлган экан, унинг Бобур ҳаётининг охирги кунларига тўғри келиши мумкин эмас. Шуни назарда тутсак, ҳатто энциклопедияда келтирилган **"936-937 ҳ.й. 1529-30 Ҳумоюннинг Аграга олиб келиниши"** [5.669] вақти билан **"сўнгги кунлари"** (1530 йил декабрь ойи охирлари) [5. 486] дейилиши ўзаро зиддият ҳосил қилади.

Мақолада ёзилишича: ""Б."нинг сўнгги саҳифаларида ёзилганига кўра, инсоният тарихидаги мисли кўрилмаган мўъжиза рўй беради; шу заҳоти Бобур вужудида оғирлик пайдо бўлиб, хушидан кетади, Ҳумоюн эса сиҳат топиб ўрнидан туради (391а) ва бошидан сув қуйиб ташқарига чиқади ("Ҳ", 17б). Маълум вақт ўтиб ҳушига келган Бобур Яратганга шукроналар айтади ва барча аъёнлари билан ҳарам аҳлини йиғиб, уларнинг иштирокида тожу тахтни Ҳумоюнга топширади. Ўзи узоқ йиллар давомида орзу қилиб келган ниятига мувофиқ дарвишона ҳаётини бошлайди. Аммо уч кун ўтгандан сўнг инсониятнинг буюк фарзандларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур фоний дунёни тарк этиб боқий дунёга сафар қилади" [5.487]. Ҳолбуки, шу энциклопедияда С.Ҳасанов ёзишича, "Бир неча муддат олдин (уч кун эмас – Р.Ш.) подшоликни Ҳумоюнга топширган Бобур 47 ёшида ... Аграда вафот этди..." [5.111], яъни бу икки маълумот ҳам ўзаро зидлик ҳосил қилади. Хўш, нега итоаткор ўғил – Ҳумоюн отасининг рухсатисиз Бадахшондан тўсатдан Аграга келади ва унинг қайтиш хақидаги таклифини рад этади, деган савол туғилади. Бизнингча, бу Бобурнинг тез-тез хасталаниши, салтанат ишларидан чарчагани, тахтни Ҳумоюнга топшириб қўйиб, тинчгина ижод қилиш истагидаги кайфияти ва вазир Мир Халифа Маҳдий Ҳожа номзодини салтанат тахтига кўрсатаётгани сабабли вужудга келган саройдаги вазият, ўз ўғлининг подшоҳ бўлишини истаган Моҳимбегимнинг эҳтимолдаги ҳаракатлари, қолаверса, ўзидаги тахтга бўлган майли ҳам сабаб бўлган бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Бизнинг масалага қарашимиз, қисқа қилиб айтсак, қуйидагича: тасаддуқ воқеаси ҳақиқатда бўлган, лекин ёндашувнинг нотўғрилиги сабаб унинг баёни ва тафсилотларида чалкашликлар, ноаниқлик ва хатолар мавжуд.

Биринчидан, энциклопедиядаги талқин “Бобурнома”нинг Бухоро нусхасига асосланган. Маълумки, асарнинг Ҳайдаробод қўлёзма нусхаси ҳижрий 936 йил муҳаррам ойининг 13 куни (1529 йил 17 сентябрь) воқеаларида узилган [5.489], яъни унда Бобур ҳаётининг охирги 15 ойдан зиёд қисми акс этмаган. Натижада илмда “асарнинг қолган қисми ҳақиқатда ёзилганми ё йўқми? ёзилган бўлса тақдири нима бўлган?” деган ҳақли саволларни, шунингдек, “буларнинг қай бири асл нусха” деган масаладаги ихтилофни келтириб чиқарган. Баҳсга қўшилишдан тийилган ҳолда Бухоро нусхасининг тасаддуқ воқеаси ҳақидаги ўринларини таҳлил қилишга киришамиз. Унга кўра: “... уч қатла бошидан ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳарне дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдим, ул енгил бўлди” [1.267]. Бобурнинг бу сўзлари айнан тасаддуқ воқеаси бўлган вақтга тегишли, бироқ: “Ул сиҳат бўлуб қўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим” [1.267-268] деганини айнан, яъни “шу дамдаёқ ўғил ўрнидан туриб, ота ётиб қолди” маъносида тушунишга монелик қилувчи сабаблар бор. Жумладан, Гулбаданбегимнинг: “Ўша куннинг ўзидаёқ ҳазрати фирдавс макон (Бобур)нинг тоблари қочиб қолди. ... Отам подшоҳ ҳазратларини бетоблиги туфайли ичкарига олиб кирдилар. (Бобур) қарийб икки-уч ой ётувлик бўлиб қолдилар” [2. 24] деган сўзлари. Демак, агар тасаддуқ қилганидан сўнг Бобур “икки-уч ой ётувлик бўлиб қолган” экан, унинг ўлимини бевосита шу воқеага боғлаш ўринсиз.

Иккинчидан, “Бобурнома”да бу воқеа, энциклопедиядагидан фарқли ўлароқ, **“мўъжиза”** сифатида талқин қилинган эмас. Сабаби, умрининг охирги йилларида имон-эътиқодида собит бўлишга интилган, “Мубаййин”дек асарни ёзган Бобур **“инсоният тарихидаги мисли кўрилмаган мўъжизалар”**га Яратган фақат Ўзининг пайғамбарларини (масалан, Мусо а.с., Исо а.с. ва албатта охирги Расули Акрам Муҳаммад Мустафо с.а.с.ларга) қодир қилгани, бандалари эса фақат кароматлар кўрсатиши мумкинлигини жуда яхши билган.

учинчидан, Бобур тожу-тахтни Ҳумоюнга топширишни истагани бор гап, бироқ тасаддуқ воқеаси вақтида ва ундан сўнг ҳам, то у Ҳумоюнни Самбхалдан Аграга чақиртиргунга, яъни ўз умрининг охирги кунларига қадар бу ниятини амалга оширмаган. Гулбаданбегим гувоҳлигича, Моҳимбегим ёлғиз фарзанд изтиробида Бобурга аччиқ қилиб “сиз менинг фарзандимдан ғофилсиз” дейишига жавобан *“ҳеч бир фарзандимни сенинг Ҳумоюнингчалик яхши кўрмайман, чунки салтанату подшоҳлик ва ёруғ дунёни фақат ... Ҳумоюн учун истайман”* [2.24] деганки, бу ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Тахтнинг Ҳумоюнга топширилиши тасаддуқ воқеасидан сўнг орадан тахминан олти ойлар ўтгач, Бобур вафоти арафасида содир бўлган;

тўртинчидан, энциклопедияда айтилганидек Бобур “узоқ йиллар давомида орзу қилиб келган ниятига мувофиқ дарвишона ҳаётини бошлаган” эмас, балки, у Гулбаданбегимнинг ёзишича, *”қарийиб икки-уч ой ётувлик бўлиб қоладилар”*[2.24];

ниҳоят, **бешинчидан**, Бобур тасаддуқ воқеасидан кейингина касал бўлиб қолмаган, унинг Ҳиндистонни забт этганидан бери тез-тез дардга чалиниб тургани “Бобурномада” ҳам, бошқа манбаларда ҳам қайд этилган. Масалан, Мирзо Ҳайдар ўзи кўрган, эшитган ва турли ҳужжатлар асосида ёзган “Тарихи Рашидий” асарида бу ҳақда: “937 (1530) йил давомида бир қанча оғир дардлар унинг муборак вужудини эгаллаб, табиблар қанча уринишмасин, фойдаси бўлмади” [3.586],- дейди. Бобурнинг соғлигига машаққатли ҳаёт, кўплаб жангу-жадаллар, Ҳиндистоннинг ўта иссиқ ва нам ҳавоси, айниқса, заҳарланиш ўз салбий таъсирини кўрсатган эди.

Шу ўринда П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романини ҳам эслаш жоиз. Албатта, роман – бадиий асар, лекин романни ёзишда шарқшунос адибимиз бирламчи манбаларга, ўзбек ва чет эл тарихчиларининг мавзуга доир асарларига асосланган маълум. Яъни романда тасвирланган бадиий лавҳалар ортида тарихий ҳақиқат ётганини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Жумладан, унда ўқиймиз: “Бобур сўнгги йилларда кўп касал бўлиб, жуда озиб кетган, жуссаси ҳийла кичрайиб қолган эди. Хондамир унинг ўзини қанчалик олдириб қўйганини ... унинг суяги бўртиб қолган озғин юзига, кўз атрофлари ва пешонасидаги қават-қават ажинларга, уйқусизликдан ичига ботиб кетган қовоқларига қараб, ич-ичидан унга куюнар эди”. Кўряпмизки, адиб Бобурнинг сўнгги йилларда соғлиги анча ёмонлашганини кўрсатмоқдаки, манбалар шундай тасвирлашга етарли асос беради. Аввало, тарихчи Хондамир Бобурнинг қирқ олти ёшда эканини айтаётганидан, суҳбат 1529 йилда кечаётгани маълум бўлади. Иккинчидан, Бобур тилидан “Аммо Ҳиндга келганимдан бери ҳар йили беш-ўн йиллик умрим сарф бўлгандек туйулур. Иситма, уйқусизлик...” [6.511-512] дейилгани ҳам, юқорида айтганимиздек, тарихий манбаларга айнан мосдир.

Айтиш керакки, П.Қодировда тасаддуқ воқеасининг тасвири ҳақиқатга яқинроқдир. Унинг талқинида Бобур ўғлининг атрофида айланиб илтижо қилгач, ҳамма мўъжизани кутади: “Моҳим бегим йиғидан тўхтаб, Бобурга қўрқув аралаш ҳайрат билан тикилиб турарди. Кекса шайхулислом эса ҳозирнинг ўзидаёқ Ҳумоюннинг соғайиб кетишини

ва Бобурнинг ҳолсизланиб йиқилишини кутгандай анча вақт ота-болага бақрайиб қараб турди. Лекин кутилган мўъжиза юз бермади. Беҳуш Ҳумоюн алаҳлаб бир нима деди-да, яна жим бўлди" [6.536]. Яъни П.Қодиров ҳатто "Бобурнома"нинг Бухоро нусхасидаги "Ўшал замон мен оғир бўлдим, ул енгил бўлди. Ул сиҳҳат бўлуб қўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим" [1. 266-267] деган гапларни ҳам инобатга олмаяптики, демак, адибимизда шундай ўйлашга етарли асос бор. Бизнингча ҳам, Бухоро нусхасидаги айни шу ўринлар Бобурнинг ўзи томонидан ёзилганига кишида шубҳа туғдиради. Гап шундаки, агар, Бухоро нусхасида ёзилганидек, Бобур ўша оннинг ўзида йиқилган ва уч кундан сўнг омонатини топширган бўлса, бу гапларни у қачон ёзган? Мабодо шу уч кун ичида ёзишга имкони бўлган экан, унда нега Ҳумоюнга тахтни топширарда қилган панд-насиҳатлари, васияти, қизлари Гулрангбегим ва Гулчеҳрабегимларни унаштириши, кенжа ўғли Ҳиндолни кўргиси келиб неча қайталаб сўраганлари, аъёнларига Ҳумоюнга бўйсунишни тайинлаши кабиларни қайд этмаган? Ахир, Бобур силаи раҳмда бардавом бўлиш билан бирга, ўзи асос солган салтанат тақдири, унинг келажаги ҳақида жиддий қайғурган эмасмиди? Қолаверса, ҳаётидаги кўплаб катта-кичик воқеаларни икир-чикиригача содда ва тушунарли баён қилган Бобурнинг имкони бўлганида ўзи учун ғоят муҳим нарсалар – шиддатли умрининг хулосасию келажакка мерос фикрларини қайд этмай қўярмиди? Бизнингча, йўқ: муфассал қайд этган бўлар эди. Шунга кўра, Бухоро нусхасидаги тасаддуқ воқеаси баёнининг Бобур томонидан ёзилгани шубҳали, деб ҳисоблаймиз.

Тасаддуқ воқеаси ҳақиқатда бўлганини эътироф этган ҳолда, биз унинг хронологиясини Бобурнинг вафотидан олти ойлар аввал деб белгилаймиз. Демак, тасаддуқ воқеасидан бироз муддат ўтгач, Хумоюн Самбхалга юборилади ва олти ойлар у ерда ҳоким бўлиб туради. Ўзининг аҳволи оғирлигини сезган Бобур Ҳумоюнни Аграга чақиртиради, табиийки, юқорида баён қилинган сабабларга кўра Ҳумоюн зудлик билан пойтахтга етиб келади. Бобурнинг касали кундан кунга кучайиб боради. ***Фақат ана ўшанда, яъни Ҳумоюн соғайиб кетганидан тахминан олти ойча ўтиб ва ўзининг вафотидан уч кун аввал,*** тахтни Ҳумоюнга топширади. Гулбаданбегим шоҳидлик беришича, Бобур*: "Неча йиллардан бери подшоҳлигимни Ҳумоюнга бериб, ўзим Зарафшон боғининг бир чеккасида узлатга чекилсам деб кўнглимнинг бир чеккасига тугиб юрардим. Аллоҳнинг карами билан ҳаммаси муяссар бўлди, лекин шу ишни таним соғлигида қилмоқчи эдим, **бўлмади.**"* [2.27-28] – деганки, бу ҳам юқоридаги фикримиз далилига хизмат қилади. Ҳолбуки, "Бобур энциклопедияси"даги Х.Ёрқин мақоласидан ҳам Бобур тож-тахтни Ҳумоюнга анча аввал топширган деган тушунча ҳосил бўлгани ҳолда, "Ҳумоюннома"дан келтирилган иқтибосдан негадир Бобур сўзларининг охирги – "*...лекин шу ишни таним соғлигида қилмоқчи эдим, **бўлмади***" дейилган қисми тушириб қолдирилган [5.131]. Сабаби эса, бизнингча, тушириб қолдирилган жумла олим чиқараётган хулосага тўғри келмагани билан изоҳланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қадимдан мавжуд бўлган *бу удум (тасаддуқ қилиш)* Бобур ҳаётида ҳақиқатан бўлган, лекин унинг Бухоро нусхасидаги талқини тарихий ҳақиқатга мос бўлмаганидек, оммада бу тўғрида янглиш тасаввурларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлган. Агар ҳақиқатда "мўъжиза" даражасидаги ҳолат кузатилганида эди, бу нарса Гулбаданбегим, Мирзо Ҳайдар, Абул Фазл асарларида ҳам таъкидланган бўлиши керак эди. Зеро, уларнинг ҳаммаси – Бобурга хайрихоҳ муаллифлар, шундай экан уни "улуғлаш"га хизмат қилувчи бу фактни назардан қочирмаган бўлар эдилар. Модомики бундай қилишмаган экан, бизнингча, Бухоро нусхасидаги талқин Бобурга тегишли эмаслиги ҳақидаги фикримиз яна бир карра ўзининг тасдиғини топади. Иккинчи томони, номлари саналган тарихчилардан иккитаси Бобурни шахсан билган, демак, улар ҳам сизу биз "Бобурнома" орқали таниган ҳар қандай шароитда, ҳар ким ва ҳар нарса ҳақида фақат рост гапни айтгувчи, бошига тушган шўришлару эришган муваффақиятларини фақат Аллоҳдан деб билган инсонни танишган. Табиийки, шундай инсон ҳақида ёлғон тўқишдан сақланганлар. Бухоро нусхасида эса, бир томондан, Бобур шахсини улуғлашга интилиш, иккинчи томондан, Ҳумоюн тахтнинг асл вориси эканини яна бир карра таъкидлашга уриниш бордек кўринади. Масала ҳақида ўйлаганларимизнинг мухтасар баёни шу, яна Аллоҳ билгучидир.

Адабиётлар:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.- Т.: Шарқ, 2002.- 335 б.
2. Гулбаданбегим. Ҳумоюннома.- Т.: Ўзбекистон, 2016.- 120 б.
3. Муҳаммад Мирзо Ҳайдар. Тарихи Рашидий. – Т.: Шарқ, 2010.- 721 б.

4. Абул Фазл. Акбар-наме.- Самара: Издательский дом “Агни”.- 2011.- 400 с.
5. Бобур Энциклопедияси.- Т.: Шарқ, 2014.- 744 б.
6. Қодиров П. Юлдузли тунлар (Бобур). - Т.: Sharq, 2016.-544 б.
7. Низомидинов Н.Ғ. Буюк бобурийлар тарихи (XVI-XIX аср). - Т.: Фан ва Технология, 2012.- 516 б.

Андижон давлат университети,
2017 йил 26 августда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Ҳошимов)